

Ўзбекистон ва Нигер давлати "ВАҚФ" ташкilotи раҳбарлари учрашди



17:50 / 05.09.2021 1681

Пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар Кенгашининг 46-йиллик анжумани доирасида Нигер республикаси президентининг вақф масалалари бўйича маслаҳатчиси, Нигер вақф ташкilotи раҳбари Хадижа Диалло ҳамда "ВАҚФ" хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё қори Абдурахмонов ўртасида ҳамкорлик масалалари бўйича учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида Хадижа Диалло Нигер давлатида вақф ташкilotи ва унинг фаолияти билан таништириб ўтди.

Шунингдек, Яҳё Абдурахмонов мамлакатимизда ташкил этилган "ВАҚФ" фонди ва унинг вазифалари, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди.

Томонлар келажакда ҳамкорликда амалга ошириладиган хайрия лойиҳалари ҳақида фикр алмашди.

Манба: Vaqf.uz